

Юксак мартаба



12:08 / 17.11.2018 3115

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

“Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

“Қиёмат куни мартабаларига пайғамбар ва шаҳидлар ҳам ҳавас қиладиган ва Аллоҳ даргоҳида нурли минбарлар устидаги жойлари билан таниладиган кишиларнинг хабарини берайинми?” – деб марҳамат қилдилар.

– Улар кимлар, ё Расулulloҳ? – деб сўрашди асҳоби киромлар.

Шунда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

– Аллоҳнинг қулларини Аллоҳга ва Аллоҳ таолони Унинг қулларига севдириш учун интилган ва ер юзида зиммаларига иршод вазифаси

юкланган олимлардир.

- Ё Расулulloҳ! Аллоҳни Аллоҳнинг қулларига севдирмоқ тушунарли. Бироқ Аллоҳнинг қулларини Аллоҳга севдириш қандай бўлади? - деб сўрадим.

- Уларни Аллоҳ севган нарсаларга ташвиқ этишади ва Аллоҳ ёмон кўрган нарсалардан қайтаришади. Улар бунга қулоқ осиб, амал қилишса, Аллоҳ уларни севади, - деб марҳамат қилдилар Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам.

“Қалбимизнинг нури” китобидан